

# Шандор Петефи

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



Шеърлар ва дoston

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1973

Буюк венгер шоири Шандор Петефи туғилганига 150 йил тўлади. Унинг катта ички тўлқин билан, ғалаб ва муҳаббат ёлқини билан яратилган шеърлари бугун дунёда севиб ўқилади.

Ўзбек тилида нашр қилинган бу тўплам китобхонларимизга яхши тўхфа бўлади деган умиддамиз.

Петефи Ш.

Танланган асарлар. (Шеърлар ва дoston).  
Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973,  
104 б.

Петефи Ш. Избранные стихи.

И (Венг)

№ 358—73

Навой номли ЎзССР  
давлат кутубхонаси.

7—4—4—  
П—М—352—06—73 56—73



ГИХЛ, 1958



Перевод на узбекский язык.

Издательство литературы и искусства им.  
Гафура Гуляма, 1973



## ВАТАНДА

Сароб жимирлайди авжи саратон,  
 Олтин бугдойзорлар бағри — бепоён,  
 Сирли манзаралар этганда асир,  
 Менга қара, сенинг ўғлингман ахир!

Турналар солганда кўкка аргимчоқ,  
 Тераклар тагида мен узоқ-узоқ  
 Қараб қолган эдим бўлганча ҳайрон,  
 Улар учардилар жанубга томон.

Уша тонг тарк этдим қадрдон уйим,  
 «Хуш қол!» — дечоғим ҳам бўлганди қийин,  
 Онам дуосига қўшиб, ўша тонг,  
 Узуқ-юлуқ сўзим учирди бўрон.

Ииллар учаверди елдишим қадар,  
 Ииллар кечаверди беном, бесамар.  
 Мен бутун дунёни айланиб ўтдим,  
 Беқарор одамлар отида йўртдим.

Англадим бу дунё — коти машаққат,  
Пешона теримдан дунё олди тафт.  
Мен босиб ўтганим — хатарли бир йўл,  
Тошли-тиканли йўл, чўлдай тақир йўл!..

Мусофирлик ўтди роса жонимдан,  
Ажал чанг солгандай тўрт томонимдан!  
Оғу тутди ҳаёт, айлади жабр,  
Зардобларга тўлди соғинган бағир.

Барча кўргиликлар, ғурбат ва ҳижрон,  
У йиллар қайғуси беному нишон —  
Кетар, бахт ёши-ла ювай деб келдим,  
Бутун дардларимни қувай деб келдим!

О, бундай саз ўлка қайдадир, қайда?  
Онам оқ сут берган менга шу жойда!  
Ўз туққан еримда ҳатто қуёш ҳам  
Ўз ўғлини кўргандай жилмайди хуррам.

*Дунавече*

## ДУНАИДА

Дарё! Сенинг ойна каби сатҳингни нуқул  
Ериб ўтар қанча кема, қанчалаб довул.

Бағрингдаги жароҳатинг чуқур беқиёс,  
Қалбни бундай яраламас ҳатто эҳтирос!

Кема ўтар, довул тиннар, яна бир замон—  
Аввалгидек сувларниг тинч, беғубор, равон.

Айт, иккига бўлинарми бир юрак ҳеч ҳам,  
Унда қалбга шифо қайда, қайдадир малҳам.

*Қомаром*



1843



## МАТИЛЬДАГА

Учрашувда бегонасимон  
Қарашларинг совуқдан-совуқ.  
Қишда қуёш шундайин нимжон —  
Нур сочади, ҳарорати йўқ.

Гапларим кўп сенга айтгани,  
Журъат қайда, қайдадир забон?  
Кўз тўйгунча боқсайдим қани,  
Қарамоқдан чўчийман ҳамон.

Чин севгимни айламагин рад,  
Ерга урма, ўзингга тенг тут.  
Жону дилдан севгай деб фақат,  
Ўзлигимни айладим унут.

Севги! Сенинг тафтинг қайноқроқ  
Саратоннинг офтобидан ҳам.

Қуёш сендек қиздирса, мутлоқ —  
Ениб битар эди бу олам!

*Дебрецен*

## ЖОНДАН ТУНДИРГАН ҚУЛЛИК

Қўлдан келганини қилдим,  
Дардларим тутдим пинҳон,  
Бир кун қиё боқар деб,  
Кўнгил берар деб жонон.

Бир уйга тушганда ўт  
Шаҳар кетгандай ёниб,  
Энди юрак, бор вужуд  
Ишқ гулханида қолиб.

Энди эса кул босган  
Гулхан чўғидай базўр  
Чўпон чайласида жим  
Бурқсийман тонгга довур.

Шалола бўлдим — чўққи  
Бағридан учган шиддат.  
Шовқинимга кўмилди —  
Атроф. Сивди сукуват.

Бугун яна мен ювош,  
Гуллар пойини ўпдим,  
Пушталарга уриб бош,  
Жилгадай оқиб ўтдим.

Қоя бўлдим—кўк ўпар,  
Ҳамсоям эди булут!  
Чақмоқлардан ҳайиқмай  
Яшарди унда бургут.

Энди гулзор бўлдим мен,  
Унда гул узра тун-кун  
Ҳижронга дош беролмай  
Булбул сайрайди маҳзун.

Не куйларга солмади  
Мени муҳаббат, фироқ.  
Кор қилмади у қизга  
Зору фарёдим бироқ.

Бу жонфидалик нега?  
Ноз фироғи етар, бас!  
Улдим-куйдим дейману,  
Балки у қиз арзимас?!

О, муҳаббат, қўлимга  
Кишан солмагин бекор.



Олтин бўлгани билан  
Кишан кимга ҳам даркор?!

Қанот боғлаб учарман,  
Чил-чил бўлар кишанлар.  
Чорлар мени озодлик —  
Деб аталган гулшанлар.

*Дебрецен*

**ЭҲ, ҲЕЧ НАРСА МЕНИ ОВУТА ОЛМАС**

Эҳ, ҳеч нарса мени овута олмас,  
Бир хумордан чиқай, қўйинг, бўлай маст.  
Ичган билан тарқарми дил хумори,  
Ё мен қолай, ё қайғу қолсин фақат!

Бу дунёда тўлиб-тошган қабоҳат,  
Не кунларни солди бошга қабоҳат!  
Умрим бўйи жигар-бағрим бўлди қон,  
Қандай қилиб кулай ахир шод, хандон?

Қийғос гулга кирган дарахт эмасман,  
Дайди шамол чирпирадган бир хасман;  
Атиргулдай ханда қилмасман яшнаб,  
Мен йиғларман мажнунтол каби қақшаб!

Не кўрдим мен? Эвоҳ, бу қандай ҳаёт,  
Кун кўрмаса ёлчиб бунда одамзод!  
Шароб қўйинг, унутай-да дардимни,  
Майкосада, майли, топай маргимни!

*Пешт*

**Қ О Р**

Қорда елдек учиб борар ченалар,  
Никоҳ сари элтар қизни янгалар.  
Булганида эди унда ихтиёр,  
Бу никоҳга кўнармиди у дилдор?!

Мен қор бўлиб қолсам эдим шу замон,  
Ченаларни тўхтатардим бегумон —  
Қор тепага айлантириб барини,  
Сўнг охиета қучардим ул парини!

Кўксимга бош қўйганида мунис ёр  
Лабларидан ўпар эдим сўнгги бор,  
То ишқидан эриб кетса эди қор,  
Мен ҳам эриб кетсайдим мисли ғубор.  
*Дебрецен.*





### ИЛК МУҲАББАТ

Кечмиш дамлар чаман мисоли,  
 Боларига ўхшайди хаёл,  
 У кунларнинг ажиб хаёли  
 Илк севгидан ташиб келар бол.

Юрагимни майли бир умр  
 Тарк этмасин ўша бол тоти.  
 Гўзалликлар бахш этсин сурур,  
 Ширин ҳисга тўлсин ҳаётим.

Бир замонлар, ўсмирлигимда  
 Кулиб боқди менга камёб бахт!  
 Жигаримдан урди бой қизи,  
 Бошга тушди шунда муҳаббат!

Қиз ҳам берди менга кўнглини,  
 Эҳ, ўнгидан келди омадим,

Овқатларининг гули-гулини  
Менга дерди сарви қоматим.

Кеч кирганда эса қазноқдан  
Билдирмасдан ҳар гал ветчина  
Келтирарди мен учун фақат,  
Сийлар эди жуда қизгина!

Қилар эдик бирга сайри боғ,  
Бизни деб ой сочар эди нур.  
Димоғлар ҳам бўлар эди чоғ,  
Эркаларди дилларни ҳузур.

Хаёл сурар эди табиат,  
Сув сепгандай жимжит ҳаммиёқ.  
Қурбақалар сайраши фақат  
Сукунатни бузарди гоҳ-гоҳ.

Шодликлардан ширин энтикар,  
Қуйиларди юракка илҳом:  
«Ой бу қадар ёруғ нур тўкар,  
Нақадар соз бу сўлим оқшом!»

Қани ўша гаройиб кунлар,  
Ишққа тўлиб кечган айёмлар,  
У қиз қани, қани у тунлар,  
Ветчиналар, ширин таомлар?!

*Пешт*

## ҲАЁТ ВА УЛИМ

Ёр севолса дилдан қайси мард,  
Фидо бўлса Ватанга жони,  
Ҳам шаробдан тополса роҳат —  
Ушанинг ҳеч йўқдир армони!

*Пешт*

## ПАЛ АМАКИ

Пал амаки узоқ ўйлаб қоладир,  
Шапкасини чаккасига қўндириб:  
«Хотинмас бу, бориб турган балодир,  
Безор қилди, безор, мингирлаб юриб.  
Не учун керак ахир  
Вайсақи кампир?  
Тўрт томонинг қибла — кўрсатма қоранг!»  
Аччиқ устида шундай  
Деб амаки ҳарқалай  
Айтганларин қилди-я қаранг!

Пал амаки хаёлга толди такрор,  
Шапкасини эса бостириб кийди:  
«Аттанг, хотинимни ҳайдадим бекор,  
Мен хумкалла не қилиб қўйдим?  
Хоналар бўм-бўш,

Қолди бор юмуш  
Хотиним уйымдан кетгандан буён...»  
Ростдан ҳам аҳволи эди кўп ёмон.

Пал амаки яна хомуш. Ултирар,  
Шапкасини бошга қийшиқ қўндирар:  
«Ғишт кўчди қолипдан. Бўлди бўлар иш.  
Энди бефойдадир оҳу воҳ қилиш!  
Қолган-қутган не бор, елга совурай,  
Энди ўз ёғимга ўзим қоврилай!...»  
Айтганларини шу асно  
Бирма-бир қилди ижро.

Пал амаки яна ўйлади узоқ  
Шапкасини бостириб кийганча деди:  
«Хуллас, кампиримсиз аҳволим чатоқ,  
Ҳа, гўрга кирмоғим қолибди энди.  
Бир арқон олиб,  
Бўйнимга солиб —  
Ўзимни осарман, йўқ бошқа чора!...»  
Шундай, айтганини қилди бечора!

*Пешт*

## С Е В Г И М

Қуёш нури эркалайди жаҳонни,  
Булбул куйлаб уйғонади чаманда,  
Куй сеҳрида гуллар қилади ханда...  
Йўқ, йўқ, севгим эмас булбул ошёни!

Жимирлайди ўрмон ҳовузи зялол,  
Шуъдаларда қанот қоққанча сархуш  
Ой нурида ярқираб сузар оққуш...  
Бу сокилик бўлмас севгимга мисол!

Осойишта, ғам-андухсиз, беармон  
Соя салқин боғ ичида умрбод —  
Она фарзанд ўстиради беғам, шод...  
Йўқ, йўқ, севгим эмас бундай хонадон!

Менинг севгим чакалакзор бир ўрмон,  
Ҳар бир бута, ҳар бир дарахт остида  
Умидсизлик йўл тўсар, жон қасдида —  
Ханжар тутган каллакесардан ёмон!

*Пешт*

## ВАТАНПАРВАРЛИК ҚУШИҒИ

Сендан ортиқ кимим ҳам бор  
Ватан — онажон.  
Сеникиман жисму жоним  
Бирла ҳар қачон!

Ҳашаматли қаср бўлса  
Қалбим, сен инон,  
Сен истасанг ўшани ҳам  
Этарман вайрон!

Сўнгра ўша вайронада  
Қилгум илтижо:  
«Ватанимни паноҳингда  
Асра, эй худо!»

Неш қилмасман учраганга  
Мен ҳеч замонда  
Сени жондай кўрганимни  
Еруғ жаҳонда!

Шод кунларга, қора кунга  
Тушганда роҳинг,  
Мен бўларман сенинг ғойиб,  
Сирли ҳамроҳинг.

Кун ботади. Кулбаларга  
Еприлар зулмат.  
Сени ўйлаб, Она-Ватан  
Чекаман ҳасрат.

Сени деган эрлар билан  
Бўламан улфат;  
Елборурмиз арисни деб  
Бошингдан кулфат.



Май ачкиқдир, сипқораман  
Қатра ва қатра.  
Ватап, барин кўз ёшларим  
Этгандир какра!

*Дебрецен*

## ТАҚЛИДЧИЛАРГА

Наздингизда, аравадир шеърят,  
От қўшилса, йўлга чиқмоқ жўн бир гап.  
Йўқ! Шеър---бургут! Эркин учар ҳамма вақт,  
Йўл тушмаган юксакликларни кўзлаб.

Сиз бўлсангиз, ношуд, кўрқоқлар, атай —  
Узгаларинг йўл очмоғин кутасиз.  
Шоир ўтар: суяк таланган итдай  
Жон ҳаллида тайёр йўлдан ўтасиз.

Қалам ол-да ёзгил, токи кучинг бор,  
Интил ҳеч ким очолмаган сўқмоққа.  
Е, қўш ҳайда, шеър ёзиб юрма бекор,  
Тўнгак ковла, қаламинг от тупроққа.

*Пешт*

\* \* \*

Ухлолмай, йнглайди гўдак, йнглайди  
Сокин бир тунда,  
Ухла дер, энага қўшиқ куйлайди,  
Куйлайди унга.

Дардларим гўдакдай йнрлар тобора,  
Ич-этими еб,  
Куйлайман, йнглоқи дардларим зора  
Ухлармикан деб...

*Дебрецен*

## ҚИЗЛАР СЕНИ СЕВМАСА ГАР

Қизлар сени севмаса гар  
Ичгин, биродар —  
Тушда сента мафтун бўлар  
Ҳамма баробар!

Чўнтакда пул бўлмаса гар  
Ичгин, биродар —  
Тушларингда бадавлатсан  
Подшолар қадар.

Агар кулфат тушса бошга  
Ичгин. биродар —  
Қайгуларинг дуд мисоли  
Тарқар-да, кетар!

Мен баридан маҳрумману  
Бор-будим — азоб,  
Ғам-аламлар қайта-қайта  
Ичинизар шароб.

*Пешт*

## Қ А Б Р И М

Ўлсам агар, қабримда  
Қўйилмайди мрамартош.  
Егоч бут турар унда  
Шамолларга бериб дош.

Мен чеккан оҳу фиғон  
Тошига айланса тамом,  
Қабримда ўша замон  
Юксалар эди эҳром.

*Дунавече*

## ХУДО ҲЗИ КЕЧИРСИН

Мени Ҳзи кечирсин худо:  
Авалда сен қилмадинг вафо,  
Кўнглим тусаб қолди Ҳзга ёр,  
Ваъдаларинг экан беқарор.  
Гарчи йўқдир хату саводим,

Сенга бир бор боққан заҳотим  
Нигоҳингда ўқийман бироқ,  
Шавку завқсиз яшайсан мутлоқ.

Менга раҳминг келмасин асло,  
Ўнгламайди бу қалтир хато,  
Ўртанса ҳам, ёнса ҳам бағир,  
Ўтган қайтиб келарми ахир!

Ҳзга билан бўлдим бахтиёр,  
Сен ҳам изла муносиб бир ёр,  
Ёринг билан бахтли бўл доим,  
Сен уларни қўлла, худойим!

*Дебрецен*





### ТАСАВВУРИМ

Сайранг, сайранг! Бу ғийбат  
 Камситолмас ғурурим.  
 Ғўё тор эмиш, ерга  
 Қул эмиш тасаввурим.  
 Ер юзида қаерга  
 Истаега олади йўл.  
 Етти қат ер остига  
 Туша олар бемалол.  
 Поёнсиз денгизда ҳам  
 Сузани ғаввос каби,  
 Энг чуқур уммонлардан  
 Чуқурдир инсон қалби.  
 «Уч» деб буюрсам агар  
 Этади шундай парвоз,  
 Тўрғай ҳам учар пайти  
 Сайролмас бундай дилноз.  
 Шиддатли бургутларнинг  
 Бир дамда ошиб зўрин —

Утиб кетар илгари  
Менинг бу тасаввурим.  
Орқасида бургутлар  
Қолиб кетар етолмай,  
Булут тўдаси ичра  
Учаверар у толмай.  
Булут оралаб учмоқ  
Қизиги йўқ ҳамда тор.  
Шунда чиқиб юксакроқ  
Кўкини қилар ихтиёр.  
Шу лаҳзада дафъатан  
Қуёш тутилса агар,  
Тасаввурим шошади  
Унга солмоққа назар.  
У бир назар ташласа  
Қуёшга қайтар нури,  
Шундай хислатга эга  
Менинг бу тасаввурим.  
Аммо шундан кейин ҳам  
Дам олиб ётмас бир он,  
Тўхтамай учар яна  
Энг олис юлдуз томон.  
Худонинг оламиндан  
Нарига ўтиб кетар,  
Тасаввурим янгидан  
Бир олам бунёд этар.



Шундай кароматларга  
Эгадир тасаввурим.

*Пешт*

## ЖАВОБ БЕРГИН

Жавоб бер: васлингга етаман қачон?  
Балки ўша кунни кўрмасман асло.  
Мунча мақсадингни тутмасанг пинҳон,  
Мунча қийнаб мени этмасанг адо?

Қайси гувоҳимга оласан қасос,  
Хафа қилганим йўқ сени, ахир, ман.  
Аммо ўтдай ёниб, ёниб севмоққа  
Балки журъат қилиб ранжитгандирман.

Шунча изтиробга дуч келиб қолдим,  
Бунга чидолмасди бирор тирик жон.  
Мени тинмай урар ҳатто ўз қалбим,  
Уни ҳам сен йўлдан урдинг бегумон.

Илгари бир тутам кун менга фақат  
Бўлиб туюларди қийноқ макони.  
Ҳордиққа тунгина берарди муҳлат,  
Энди тун ҳам, кун ҳам йўқолди, жоним.

Уйқу қаптар каби келади учиб,  
Аммо нетай уни тутмогим душвор.  
Кўксимдаги шовқин-сурондан чўчиб  
Кўзларимга қўнмай қочар беқарор.

Қўзғолончи каби тинмайди қалбим,  
Қизгина, тинчит деб сендан сўрайман.  
Бўлмаса бир куни босолмай ўзим  
Уни жаҳл устида отиб ташлайман.

*Салк-Сенгмартон*

### К Ш. АЛЬБОМИГА

Хароба кулбамга ўхшайди дунё,  
Егоч, вассаларни турар омонат...  
Дўстим, келмоқдасан магрур, бепарво,  
Эгил, ўз бошингга орттирма кулфат!  
Шуида таҳдид қилмас бошингга бало,  
Лиқиллаб турган том йиқилмас бирдан...  
«Бошим кетганига розиман, аммо  
Букчайиб яшашга рози эмасман!»

*Борьяд*







## ТЕЛБА

...Нега ёпишасиз?  
 Қочинг кўзимдан!  
 Вақтим зиқ! Мен буюк ишни битирай:  
 Нурда ярқировчи қамчиним билан  
 Гуноҳкор дунёнинг додни берай.  
 Сиз нола чекасиз, қаҳқаҳлайман мен:  
 Сиз ҳам кулгансиз-ку, мен йинглаганда.  
 Ҳа-ҳа-ҳа!  
 Дунё экан. Гоҳи фарёд чекамиз,  
 Токи ўлим бизга қилгунча ҳамла.  
 Мен ҳам бир кун кетарман бу дунёдан:  
 Шаробимни ичиб сўнгига қадар.  
 Қотилларим нима қилдилар сўнгра  
 Ёвуз қилмишларин яширмақ учун?  
 Фарёд кўтардилар жасадим узра.  
 Шунда яриб туриб бурунларидан  
 Тишлаб олгим келди, аммо турмадим.  
 Бурунларим турсин, бадбўй жасадим

Бўғиб ўлдирадн нафасларини.  
Ҳа-ҳа-ҳа!

Мени қайга элтиб кўмдилар денг-а?  
Африка чўлига! Бахтим бор экан!  
Қайдандир меҳрибон сиртлон келди-ю,  
Кавлаб, очиб олди мени қабрдан.  
Кўнгли очиқликда ягона эди,  
Мен-чи, аҳмоқ қилдим шундай зотни ҳам:  
Ў меннинг сонимни емоқчи эди,  
Зардоб юрагимни чиқариб бердим,  
Еди-ю, шу еган заҳоти ўлди!  
Ҳа-ҳа-ҳа!

Няма бўпти! Тушар ҳар инсонпарвар  
Бир кун шу аҳволга! Нимадир инсон?  
Гўё киннотда

ўсувчи гулнинг

Ер юзига отган илдизи эмиш.  
Афсуски, бу хато! Инсон — ўсимлик,  
Лекин илдизлари дўзахда унинг.  
Менга ўргатганди бу ҳақиқатни  
Бир буюк беақл донишманд, чунки  
Ўзи оч-яланғоч оламдан ўтди.  
Аммо ўлдирмади талаб ҳеч кимни?  
Ҳа ҳа-ҳа!

Нега мен кулиман телба сингари?  
Аччиқ йиғлаш керак кулиш ўрнига,  
Аза очиб жирканч Ер куррасига  
Худо ҳам булутлар кўзи-ла йиғлар  
Ҳасрат чекиб Ерни яратганига.  
Осмон кўз ёшидан бизга нима наф,  
Тупроқни ивитар осмондан тушиб,  
Одамзод балчиққа ботиб юрсин деб,  
Осмон кўз ёшидан қолади нима?  
Лой, ахлатдан бўлак қолмас ҳеч нарса...  
Ҳа-ҳа-ҳа!

Эй осмон, юравер истаганингча  
Қуёш—медалиниги кўксингга тақиб,  
Ўраниб булутлар уवादасига —  
Хизматини ўтаган жангчи сингари.  
Хизматдан бўшаркан кексарган жангчи  
Ярқирар устида эски-тускилар,  
Жароҳат, хизмат-чун медаль бу унга...  
Ҳа-ҳа-ҳа!

Агарда бедана «нитпилдиқ» деса,  
Нямани англаши керак одамлар?  
О, буми?  
Аёлдан қочинг дегани!  
Эркаки маҳлиё этмасми аёл,  
Дарёни тортгандай бағрига денгиз.  
Қандай мақсаддами? Ютмоқ учун-да.

Аёл—ваҳший жонзод! Гўзал ва хавфли,  
Диловару лекни хатарли махлуқ.  
Олтин қадахдаги ўткир оғусан,  
Мана сен нимасан севги- муҳаббат!  
Муҳаббатнинг шабнам каби қатраси  
Заҳарга айланган океандан ҳам —  
Минг марта даҳшатли, минг марта мудхш.  
Ўлим уруғини эсмоқчи бўлиб  
Бўрон шудгор қилган денгиз юзини  
Айтинг, қани айтинг, кўрган бўлсангиз!  
Айтинг, кўрганмисиз шундай бўронни?  
Айтинг, кўрганмисиз шундай гирдобни?  
Кўрган бўлсангиз гар гирдоб ва қуюн —  
Яшин қамчи тутган қўнғичга ўхшар.  
Пишган мева тушар дарахтдан ахир,  
Сен-чи, Ер курраси, пишиб кетдинг ку.  
Нега тушмаяпсан? Майли кутаман,  
Майли мен кутаман эртага қадар.  
Бўлмаса агарда эрта қиёмат,  
Кавлаб бораман-да ер марказига,  
Жойлайки, шундай зарад,  
Қўлайки шундай порох,  
Учиб кетсан осмонга!  
Ҳа-ҳа-ҳа!

*Салк-Сент-мартон*

## ҲА С Р А Т

Ғам-ҳасрат—каттақон бир денгиз,  
Қувонч-чи, ундаги жавоҳир.  
Шуни ҳам, шуни ҳам, минг афсус—  
Топгунча қиламиз қаро ер.

*Салк-Сентмартон*

## НИМА ЕҒАНСАН ТУПРОҚ

Нима егансан тупроқ? —  
Бир лаҳза бўлгин сирдош.  
Намунча қон ичасан,  
Ичасан мунча кўз ёш?..

*Салк-Сентмартон*

## С Е В А М А Н

Мен севаман, ҳеч ким эҳтимол,  
Севамагандир мендай дунёда.  
Тирикчилик, маншадан ул  
Кўнглим олган турар зиёда.

Яккаш қувғин маъбудани мен  
Севиб, мақтаб, излаб юраман.  
Эркинликни севаман, лекян  
Тушдагина уни кўраман.

Тушимда мен севгим билан  
Учрашувни қилмайман канда.  
Севги изҳор айладим бугун  
Далада тун чодир тикканда.

Қаршисида турдим тиз чўкиб,  
Тўкиб сўнгсиз туйғулар ўтин.  
Изҳори дил эсдалиги деб  
Эгилгандим гул узмоқ учун.

Қотил урди орқамдан келиб,  
Бошим ерга думалаб кетди.  
Гул деб ердан бошимни олиб  
Севгимнинг қўлига тутдим.

*Пешт*

## МУҲАББАТ ВА ОЗОДЛИК

Озодлик ва муҳаббат —  
Менга шу керак фақат!

Муҳаббатга умримни  
Бағишлашга тайёрман,

Озодлик учун, севги,  
Сени қилурман қурбон.

*Пешт*





### САРОЙ ВА КУЛБА

Эй, сарой, нимагга мағрурланасан?  
 Мунча кеккаясан эганг сингари?  
 Узин нуқсонларни, ожизликларни  
 Безаклар остига яширган барин.

Уни безаб турган олтин, зарларни  
 Либосидан юлиб ташласак бир он,  
 Соҳибн саройининг пасткашликлари  
 Бўм-бўш қалби бутун бўларди аён.

Мартабага қандай эга бўлди у?  
 Нечук ҳоким бўлди, қандай олди куч?  
 Худди қушлар қонин ичган калхатдек,  
 Улар ҳам қон ичган, қайда келса дуч!

Мусича кетидан қувади калхат,  
 Балки болаларни кутарди уни.



Чирқирашарди-ю, аммо билмасди  
Онадан бир умр айрилганини.

О, қаср! О, сарой! Не бисотинг бор —  
Бари ғарибларнинг таланган моли.  
Асло кибрланма бу бойлик билан,  
Энди яқин қолмиш умринг заволи.

Хоки туроб бўлиб бу ҳашаматлар  
Бойқуш уясига айланажак тез.  
Узоқ қолгани йўқ шу вайронада  
Соҳибнинг суяғин кўрадиган кез.

Сарой ёнидаги кулбалар эса,  
Нақадар камтарин, нақадар ғариб.  
Ўзин кўрсатишга хижолатданми,  
Дарахтлар ичига олган бурканиб.

Менга ижозат эт, покиза кулба,  
Сенинг остонанга қўймоққа қадам.  
Мана етиб келди жабр-дийдаларнинг  
Очиқ чехраларин кўрадиган дам.

Нақадар муқаддас бу фақир кулба!  
Унга етганимдан шодман нақадар,  
Кичик хонадонда туғилиб, ўсиб  
Дунёга келган ку баъзан пайгамбар.

Не-не алломаю, не-не донолар,  
Шундай кулбалардан чиққан оламга.  
Наҳот унутилиб, энди хўрланса,  
Наҳот саналмаса энди одамга.

Сиз асил инсонсиз, асло чўчиманг!  
Бахтли дақиқалар қолмади узоқ.  
Сизлар курашдингиз, жафо чекдингиз,  
Соҳибни даврон ҳам бўласиз мутлоқ!

Шундай бўлишлиги аниқ, муқаррар.  
Мен таъзим қиламан остонангизга.  
Дуо қилинг мени, фотиҳа беринг,  
Бахшида қиламан боримни сизга!

*Пешт*

## ИТЛАР ҚУШИҒИ

Осмонни булут босган  
Узоқдан увлар бўрон.  
Худди эгизак каби  
Қор-ёмғир ёғар шу он.

Заррача қайғумиз йўқ,  
Ошхонанинг бир четин

Яшаш учун қиш бўйи,  
Хўжайини берган бутун.

Ейиш ичишдан бўлса,  
Зарра ташвишимиз йўқ, —  
Хўжайиндан қолгани,  
Бизларга бўлар тортиқ.

Баъзан калтаклайди ҳам,  
Кўзлардан чиққунча ёш.  
Итнинг суяги қаттиқ,  
Нечора қилмай бардош.

Гоҳо ғазабдан тушиб,  
Чақирар ёнига ҳам,  
Оёғини ялаймиз  
Қувонч билан ўша дам.

*Пешт*

## БУРИЛАР ҚУШИҒИ

Осмонни булут босган,  
Олида увлар бўрон.  
Бўронга эгизакдек  
Қор-ёмғир ёғар шу он.

Бу шафқатсиз саҳрода  
Мангу изғиймиз фақат.  
Бошпанага топилмас,  
Ҳатто тиккайган дарахт.

Жонни қақшатар совуқ,  
Қорни эса доим оч.  
Иккиси бизни қийнар,  
Қутулишга йўқ илож.

Учинчи қийноқ ҳам бор:  
Қуролга қарши кураш.  
Осонми оппоқ қорни  
Қип-қизил қонга бўяш.

Биқинларни ўқ тешар,  
Ҳам совуқ, ҳам қорин оч.  
Лекин мангу эркинимиз,  
Бўлсак ҳам оч-яланғоч.

*Пешт.*

## **Т И С А**

Теваракин буркар оқшом пардаси  
Недир шивирлайди Тиса дарёси.  
Тур эса боладек югуриб, шошиб  
Унга куйлайди шовиллаб, тошиб.

Нураган қирғоқлар оралаб дарё  
Ярқираб кўрнар кўзгудек гўё.  
Шу қадар сокинки дарё чехраси,  
Унда акс этарди нурлар жилваси.

Шу чоқ куйлагандек сув парилари  
Товланиб дарёнинг жимжималари  
Сеҳрли куй бўлиб таратар оҳанг,  
Кимдир чалган каби туюлади чанг.

Бутун теваракка ёзгандек гилам,  
Олтндек товланар майсалар шу дам.  
Бепоен далада ўрилган пичан  
Тизилган мисрадек кўрнар айнан.

Ортида қорайиб, баҳайбат, сокин  
Ўрмон кўринади, чўккан каби тун.  
Нурида дарахтлар учи ярқираб  
Гўё қон тўлқини ундан тирқираб.

Дарёга бош эгиб, сурганча хаёл  
Бир ёқда турарди ёнғоқ, мажнунтол,  
Унинг орқасида уксак сингари  
Кўрнар қишлоқнинг мезаналари.

Хайрли онларга хумор саргардон,  
Булутлар осмонда сузарди шу он.

Мармартош тоғларин ўйчан пичоғи  
Туманлар оралаб кўринар гоҳи.

Бутун теваракка чўкмиш сукунат  
Қушлар сайрашади аҳёнда фақат,  
Узоқда гинғиллаб худди чивиндай  
Шамол тегирмони айланар тинмай.

Қўлида кўзача ушлаган бир қиз  
Дарё қирғоғига келарди ёлғиз.  
Менга назар ташлаб, қилдию таъзим  
Яна ғойиб бўлди сув олиб шу зум.

Худди ерга мени қўйгандек қоқиб  
Қоронгулик ичра турардим боқиб.  
Аста чўкар экан теваракка тун,  
Табиат ҳуснига бўлгандим мафтун.

Тилнинг эса шундай бойки табиат,  
Олдингда сўзимиз гўё беқувват.  
Сукут сақлаб жимжит туришингда ҳам  
Қанча қанча оҳанг, қанча кўйлар жам.

Ярим тунда келдим қишлоққа етиб,  
Алангада ёзининг неъматин тоғиб,  
Дўстлар билан суҳбат бошладим узоқ  
Аланга тафтида ҳилпираб япроқ:

«Қани, дўстлар, айттинг, тортинмай зинҳор,  
Тиса ҳеч кишига берганимиз озор?  
Ахир, айби нима? Бўлмаса бебош  
Бундай дарё борми дунёда ювош?»

Уч-тўрт кун ўтмасдан, оқармасдан тонг  
Уйқудан уйғотди ҳайқирик ва бонг:  
Дарё босиб келди, қурди тўполон.  
Уйимиздан кўриниб турарди уммон.

Гўё занжирни узиб, ҳайқириб  
Тиса оқар эди ғазабга тўлиб.  
Тўғонлар оқарди пайраҳасимон  
Дарё босмоқчидек дунёни шу он.

*Пешт*

## **БУЛУТЛАР**

Мен қуш каби қоқолсам қанот  
Булут томон учардим фақат.  
Расм солиш келса қўлимдан  
Булут расмин чизардим қат-қат.

Мен нақадар севаман уни,  
Чикшинини кутамав муштоқ.

Узоқларга сузиб кетганда  
Кузатаман ортидан узоқ.

Осмон бўйлаб сузиб боради  
Улар менга қандай қадрдон.  
Қалбимдаги бутун ўйларим,  
Сир-асрорим уларга аён.

Бир маҳаллар оқшом чоғида  
Мен уларни кузатганим бор.  
Болалардек оқшом қўйнида  
Ухлаганлар маъсум, беозор.

Мен кўрганман ғазабга тўлиб,  
Девор каби ёпирилганин ҳам.  
Шамолларни жангга чақириб,  
Қудрат билан ўкирганин ҳам.

Мен кўрганман, хаста гўдакдек —  
Ой юзига сачраганин қон.  
Булутларни унинг бошида  
Опасидек урганин туғён.

Менга таниш унинг жамоли,  
Қадимлардан бўлганман мафтун.  
Нафислиги, савлати, дарди  
Севимлидур мен учун бутун.



Не учундир қалбимга яқин,  
Ғазаб билан ёнирилиши ҳам.  
Чунки улар мангу навқирон,  
Мангу кекса, абадий кўркам.

с. 4

Чунки улар ўхшар ўзимга,  
Жуда менинг қалбимга яқин.  
Булутлардек менинг кўзимда  
Доимо ёш, доимо чақин.

*Пешт*

## САБР ҲАҚИДА

О, сабру қаноат, марҳаматингни  
Эшак ва қўйларга қилишинг мумкин.  
Наҳотки мен тушсам сенинг изминга?  
Йўқ, йўқ, жаҳаннамнинг қаърига чекин.

Дарбадар гадодек эшикма-эшик,  
Ўлжа илинжида юрасан беҳол.  
Менинг остонамдан марҳамат кутма,  
Менинг кўзларимга кўрнимма, йўқол!

Борди-ю, оламда тантана қилиб,  
Ғалаба туғини бўлсанг қздамоқ,

41

Метнига айланган меннинг қалбимдан  
Унга жойи тоишни ўйлама мутлоқ!

Сабр не эканини айтиш қулгили,  
Бу маккор одамлар ўйлаб топган фол.  
Донин ўзлари еб, лақма дунёда  
Содда одамларга солинган похол.

Сабр—бу бир товоқ, унинг қаймоғин  
Ҳузурини кўрар ёввойи мушук.  
Оғзин очганича аграйиб қолар,  
Умид билан уни етказган шўрлик.

О, сабр. О, тоқат!.. Не десам сени,  
Сендан жирканаман, кўзимдан йўқол!  
Ахир нима бўлдик қаноат қилиб,  
Сен бор жойда фақат бахт топди завол.

Балки сен бўлмасанг, яралмасайдинг  
Бахтли бўлармиди балки бу дунё!  
Лекин мениг афсуски, авж олган саринг  
Бўлмоқдамиз шунча бахтеиз ва гадо!

Йўқол, эй лаънати, жаҳаннам сари,  
Сени кўришликка асло йўқ кўзим,  
Ким сени туфлаган бўлса бу ерга  
Яна ялаб олсин қайтадан ўзи!

*Пешт*

## БҮЗ КИПГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Шеърларимни мен ҳам олтину  
Кумуш билан безатиб бутун,  
Баланд парвоз сўз тизмалардан  
Қофиялар яшашим мумкин.

Аmmo шеърим баъзи бир нозик  
Қилтиллаган сатанглар симон,  
Узин безаб ишратхонага  
Эрмак бўлиб бормас ҳеч қачон.

Қилич қида, тўнлар ҳайқирмас,  
Ҳозир улар ухлар босиб занг.  
Лекин ҳозир қилич, қалқонсиз  
Давом этар ғоявий бир жанг.

Бу жангдан мен холи эмасман,  
Мен — қўмондон, шеърлар — лашкарим:  
Ҳар бир сўзим, ҳар бир қофиям,  
Мисраларим қатор аскарим!

Бўз кийса ҳам асл ботирлар  
Жанг майдонни тарк этмас бешак.  
Кураш чоғи гўзал либосмас  
Қаҳрамонлик жангчига безаҳ.

Қанча умр кўради шеърим...  
Бу тўғрида ўйлаш ҳам ортинқ.  
Биламан мен, лозим бўлганда  
Жонингни ҳам қиласан тортинқ.

Китобларим муқаддас бўлсин! —  
Қабри бўлсин ғоямнинг мангу,  
Қабри бўлсин, халқ бахти учун  
Қурбон бўлган ботирларнинг у!

*Пешт*

## О Т А Ш

Истамайман мажнунтол каби  
Ботқоқликда чиришни мутлоқ.  
Қани энди, чинор бўлсаму  
Қуйдирса ҳам розиман чақмоқ.

Мен ўт бўлсам. Сув қучоғида  
Ола берсин бақалар роҳат.  
Юксакликка қилолмай парвоз  
Вақирлашга яралган фақат.

Оташ, қалбим туғени сенсан!  
Онлар бўлди баъзан музладим.

Қақшатеа ҳам совуқ қалбимда —  
Бир аланга доим гурлади.

Менинг қайноқ эҳтиросимга  
Сен ҳам ёниб жавоб бер, эй қиз!  
Менга совуқ пуркар экансан  
Кўзларимдан йўқол ўша кез.

Майхонага, май қуй! Майингга  
Заррача сув қўшсанг, эй шайтон,  
Май косангни отмай юзингга  
Ерга отиб қиламан яксон.

Янгиш учун ўтли ҳислару  
Шароб кайфи ҳамиша даркор.  
Унутибман бир нарсани мен —  
Яшаб бўлмас беқўшиқ зияҳор!

Куйланг, ўтли қўшиқларни сиз!  
Қўшиғингиз қалбга ўт солсин.  
Куйиб-ёниб айтмаган кўнгил  
Қўшиқлари бўғизда қолсин!

Истамайман — мажнунтол каби  
Ботқоқликда чиришни мутлоқ.

Мен истайман чинор бўлмоқни  
Куйдирса ҳам розиман чақмоқ.  
*Пешт*

## НАҚАДАР ЯХШИ ҲАЁТ

Худди тунги шарпадек  
Дарбидар дунё кездим,  
Лаънатлаб, нафратланиб  
Наҳот умрдан бездим?  
Бу саволни ўйласам,  
Хижолат босар ҳар он  
Ҳаёт нақадар яхши,  
Нақадар гўзал жаҳон!

Жўшқин ёшлик бўрони  
Гуриллаб ўтди эсиб,  
Тиниқ сомон йўллари  
Доим менга жилмайиб,  
Қалбимга ором бериб  
Эркалар онасимон.  
Ҳаёт нақадар яхши,  
Нақадар гўзал жаҳон!

Иилу ой ўтган сари,  
Арир ташвишларим ҳам.  
Энди кўнглимнинг мулки,  
Худди чамандек кўркам.

Бир ёнда шамол эсиб,  
Булбул сайраган бир он.  
Ҳаёт нақадар яхши,  
Нақадар гўзал жаҳон.

Лақмаликларни бутун  
Дилимдан қувганим он  
Неча йил кўришмаган  
Дўстни топганимсимон  
Қалбимга қувонч кириб  
Шодлигим урди туғён,  
Ҳаёт нақадар яхши,  
Нақадар гўзал жаҳон!

Менинг азиз дўстларим,  
Сафимга кириг дарҳол,  
Шайтон ҳамроҳи—шубҳа,  
Дўзах қаърига йўқол!  
Йўқол! Сенга ишониб  
Дўстлигим бўлди вайрон.  
Ҳаёт нақадар яхши,  
Нақадар гўзал жаҳон!

Еримнинг оҳу каби  
Кўзларин элаган дам  
Қуёшдан ҳам беғубор  
Ҳаётдек бўлиб кўрсам.  
Бахт нафасия уфуриб

Уйқудай тургансимон  
Ҳаёт нақадар яхши,  
Нақадар гўзал жаҳон!

*Салонга*

## УРМОННИНГ ЁЗ КУЙЧИ ҚУШИ БОР

Ўрмоннинг ёз куйчи қуши бор,  
Боғларнинг ёз барра-майсаси,  
Осмоннинг ҳам ёз юлдузи бор,  
Нигитларнинг ёз севгилиси.

Сайҳон гуллар, қушлар ҳам куйлар,  
Тиниқ осмон ва қизлар шу дам  
Куй бошлашар, бедард, осуда,  
Тўртовлари бўлишиб ҳамдам.

Гул ҳам сўлар, юлдуз ҳам сўнар,  
Учиб кетар қушлар ҳам, бироқ.  
Севинганлар қолар йил бўйи,  
Ҳаммадан ҳам булар бахтлироқ.



## МЕНИНГ ТУЛПОРИМ

Оёқлари узун, бўйин илгичка  
Инглиз отидан эмас тулпорим,  
Айиқдай лапанглаб қадам ташловчи  
Немис отларидай солмаган қорни.

Бенгер зотидандир меннинг тулпорим  
Шундай бир гўзалнинг менман эгаси!  
Тухум каби силлиқ яғринларидан,  
Сирғилиб ўйнайди қуёш шуъласи.

Заводда ўсганмас меннинг тулпорим,  
Киш-Куншаг саҳросин эрка фарзанди.  
Бепоен яйловда эркин ўтлаган  
Тушовлар қилмаган оёғин банди.

Эгар урмаганман уни азоблаб  
Бир парча наमतнинг ўзи етарди.  
Худди яралгандек асли чақмоқдан  
Елдек тутқич бермай учиб кетарди.

Ҳали ҳам янгилар Киш-Куншагга у,  
Чунки ўша дидёр ўзи ўсган эл.  
Тизгинин сал қўйсанг қушдек учарди  
Қулоғин остида ғизиллайди ел.

Қишлоқ қизларининг тўдаларига  
Уни гижинглатиб олиб кирардим.  
Кўнглим хушлаганим гуляни олиб  
Хайр деярдему елдек елардим.

Истасам дунёнинг у бурчагига  
Етказа оларди тулпорим дарров  
Ботиб кетар экан қайноқ кўпикка  
Худди буркагандек бўларди олов.

Ҳориш нелигини билмас тулпорим  
Қанча йўл юрмасин билмас дам елиш.  
Шундай елмасликка илож йўқ, чунки  
Орзум манзили нихоят олис.

Уч, сакра, жарлардан менинг тулпорим  
Тўхташ нималигини билмагин асло.  
Агар йўлларингга тўсиқ бўлса ёв  
Шафқатсиз қилиб кет уни хокило!

*Сатмар*

**ҲЕЧ КИМ КЎРГАНМИ?..**

Шундай улуғ, шундай забардаст  
Бир қудратни кўрганми ҳеч зот?

Толиқшилик нима билмайман  
Мен осмонни кўтариб азот!  
Майли, менинг бўйнимга чирмаш  
Эй, нурафшон осмон гўмбазин,  
Бутун ақлу заковатимни  
Кўркинг билан буржа, мен розин!

Қалбни солиб кўкрак қафасга  
Чегаралаб қўйишлик нечун?  
Поёни йўқ бахт-саодатини  
Сигдиролмас ўзинга бутун.  
Шодлигимни сарфлаб турмасам  
Дилдан тошиб қилади вайрон.  
Баъзан кўз ёш бўлиб отилар  
Туғён урган завқу ҳаяжон.

Билар эдим бахтли бўлишим,  
Қайғу бир он меҳмонлигини ҳам,  
Мен у билан йўлма-йўлакай  
Учрашганман, аммо ўша дам —  
Юз ўгириб мендан бутунлай  
Хайрлашиб нари кетганди,  
На эътибор этгандим унга  
Ва на унга парво этгандим.

Ҳали қуёш ботгани ҳам йўқ  
Шудрингга бурканмаган гул,

Қаердадир ўртагиб-ёниб,  
Куй бошлади шайдойи булбул...  
Наҳот булбул сайраган бўлса,  
Ҳали отмай муҳаббат тоғи?  
Бу янграган булбул куйимас  
Бўсамизнинг эди жаранги.

Баҳор чоғи шивирлаб ётиб,  
Ерга сингган томчиларсимон,  
Улар менинг дудеклариму  
Ёноғимни қоплади шу он.  
Баҳор чоғи шивирлаб турган  
Емғир каби бесон бесаноқ  
Атрефимда гуллар денгизи  
Барқ ургандек бўларди шу чоқ.

### АГАР БЎЛСАМ ЭДИ...

Агар бўла қолсам эди  
Қўнғироқ каби янгроқ,  
Баланд-баланд чуққилардан  
Тоғииб оқувчи промоқ...  
Фақат менинг севиқлигим,  
Ойнадек тиниқ сувда  
Худди кумуш балиқ каби  
Сузса эди осуда.

Бўлақолсам эди дарё  
Қирғоғида зич ўрмон.  
Туни бўйи тўлқин билан  
Олишардим беомон.  
Фақатгина севиқлигим  
Ўрмонни қилиб макон,  
Кўм-кўк шохлар орасидан  
Сайраса қушларсимон.

Агар бўлсам тик тошликлар  
Бағрида кўҳна қаср,  
Шодлик билан ўлимларни  
Қилиб олардим асир.  
Фақатгина севиқлигим  
Шу ёввойи табнат  
Вайронаси ичра юрса  
Печак гулидек фақат.  
Қани эди дарадаги  
Кичкина кулба бўлсам.  
Деворларнинг ёриғидан  
Уриб турса ёмғир ҳам.  
Фақатгина севиқлигим  
Ёнимда бўлиб ҳамдам.  
Жамолидан нур сочса у,  
Бурчакда ёнгандек шам.

Қани энди тоғлар аро,  
Сузсайдим булут бўлиб,  
Майли эди нарча қилиб  
Чақинлар ўтса тилиб,  
Фақатгина севиқлигим  
Зулматга бўлмай пинҳон,  
Қора булут бир четидан  
Нур сочса бўлиб алвон.

*Салонга*

## МЕН УЧУН СЕВГИ НИМА?

Юракни бир тош дема,  
Мен учун сеvgи нима?  
У — кўз ёш гирдобида  
Сузувчи эски қайиқ,  
Бошқарар қайғу уни  
Ҳижрон, аламга тўлиқ.

Юракни бир тош дема,  
Мен учун сеvgи нима?  
У — бўрилар увлашиб,  
Жинлар ўйнашиб гужгон,  
Кўришаналак чийиллаб  
Кезган даҳшатли ўрмон.

Юракни бир тош дема,  
Мен учун севги нима?  
Болликда эрмакка  
Каспалак тутинидек гап.  
Қочиб-қувиб охири  
Зовурга тушинидек гап!

Юракни бир тош дема,  
Мен учун севги нима?  
У — орзум кушандаси,  
Бошимда солиб фарёд —  
Авахгадан мурдамини  
Олиб чиқувчи жаллод.

Юракни бир тош дема,  
Мен учун севги нима?  
Тол шохида чирқираб  
Ин қўйгувчи қуш гўё  
Яшин урса, урсун у  
Бошқасини қилар бино.

*Шеър*

## **ХІХ АСР ШОИРЛАРИГА**

Безовта дунёда кўнгил хуши-чун,  
Ҳадеб куйлайверма беҳуда асло.

Қўлга олганинда муқаддас созин  
Жанговарлик руҳин дилга қилгин жо!  
Агар ўз шодлигу ўз дардларингни  
Куйлашгина бўлса фақат ниъатинг,  
Нега керак булғаш муқаддас созин,  
Нега керак сенинг ижодиятинг?

Олов пуркаб турган жазирамада  
Ўт кечиб, сув кечиб бир вақтлар Исо  
Халқин бошлагандек машъала томон...  
Ҳамон бизлар шундай ташна, бедало.  
Энди шоир ўзи машъала бўлиб  
Халқини бошласин саҳролар аро.  
Етказсин у янги Қуддус шарифга  
Шундай амр қилмиш шоирга худо.

Агарда ҳақиқий шоир бўлсанг сен  
Халқ билан бирга кўч ўту сув келса!  
Минг лаънатлар бўлсин байроқни ташлаб  
Кимки ўз халқига хиёнат қилса!  
Сафдан қолганларга лаънатлар бўлсин,  
Танбал, қўрқоқларга бўлсин минг лаънат —  
Кимки ўз жонининг ҳузурин ўйлаб  
Соя-салқин жойини изласа фақат.

Агар пайғамбарлар — бизлар истаган  
Ер куррасин сўнги манзили томон



Мана етиб келдик, сафаримиз ҳам  
Тугади десалар, барчаси ёлгон!  
Яна тақрорлайман — ҳаммаси ёлгон:  
Ҳали саҳроларда ташна, бемадор  
Беҳисоб одамлар дўйдиб юрганин  
Наҳот, кўриб туриб айласак инкор!

Қачонки одамлар нестаганлари —  
Бахту саодатдан бўлса баҳраманд,  
Агар nasib бўлса улар жамолни  
Бир дастурхон узра кўрмаклик хурсанд.  
Қуёш нурни тушиб ҳар хонадонга  
Фикру дилимизни равшанроқ кўрсак, —  
Шунда етдик десак бўлар манзилга,  
Шунда бўлар сафар тугади десак.

То етгунга қадар ўша кунларга  
Бўлмагай бизларда заррача ором.  
Бу кураш, бу жанглар тиригимизда  
Қила олмаса ҳам орзунини инъом,  
Майини нафасидан лекин ўлимнинг  
Кўзлар юмилганда ясаб гулчамбар,  
Авлодлар шу ерга илтифот билан  
Бизни кузатиши аммо муқаррар.

*Пешт*



## ҚИРОЛ ВА ЖАМЛОД

Саслат тўкиб, олтин тож кийиб,  
 Уз тахтида ўлтирар қирол.  
 Амалдорлар қуртдек ғимиллаб  
 Тахт ёнида қаддин қилмиш дол.

Тахт келади бирдан ларзага,  
 Сарой аҳли қалтираб ҳайрон.  
 Не гап? Бўрон, zilзилами су?  
 Халқ кўтармиш исён, ғалсаён.

Халқ — қутурган бўрондан кучли,  
 Занжирларги парчалар дарҳсл.  
 Парча-парча кишанлардён у  
 Ясай олур ўзига қурол.

Тахт ларзада, қочар тўралар,  
 Улар сазар ўлим ваҳмини,

Ҳамма қочар, биттаси қолар  
Тарк этмасдан қирол тахтини.

Бу — қиролнинг энг ишонгани  
Бу саройнинг жаллоди эди.  
Юзи заҳил, кийимлари қон,  
Ундан келар ўлимнинг ҳиди.

Қирол унга дард билан сўзлар;  
«Ҳамма қсчди, ёнимда фақат  
Ўзинг қолдинг, оғир дамда ҳам.  
Кўрсатолдинг менга садоқат».

Жаллод сўзлар унга тикланиб:  
«Умр кечирдинг зулм, жаҳолатда,  
Бўлмаслиги зolimнинг дўсти  
Бу ҳаммага аён албатта.

Оёғингга таъзим қилганлар,  
Соя эди ёнингда бир дам.  
Нур бор ерда соя бўлади  
Нур сўндими, кетар соя ҳам.

Нечун сени ташлаб кетмадим?  
Чунки бердинг менга нону туз  
Сен қаерда бўлсанг мен ҳозир  
Яшолмаймиз бир-биримизсиз.

## БАҲОРГА

Кекса қишининг қизи қайдасан —  
Гўзал навбахор?  
Қучоқ очиб нега келмайсан  
Кўрсатиб дийдор?

Дўстларингни қувонтирмоқ-чун  
Урмонлар оша,  
Елмоқдасан: кўк — чодирингни  
Кўтар кўккача!

Сен қуёшининг хаста кўзини  
Даволагини тез.  
Бир чеккада ранги учганча  
Чўкиб олган тиз.

Шифоласанг агарда уни,  
Берар ҳар фасл —  
Гулларга из, ўт-ўланга ранг,  
Далага ҳосил.

Турналар ҳам сен билан бирга,  
Қилмишлар парвоз.

Кенгликларнинг куйчаси улар  
Менга ҳам устас!

Гуллар қани? Улар чиройли,  
Унутдингми ё?  
Қанча бўлса олиб келавер,  
Қолдирмай асло.

Озмунчами қурбон бўлганлар,  
Унутма зинҳор:  
Шу тупроқда эрк жангчиларини  
Қабрлари бор.

Назар ташла, қабрлар усти  
Қоп-қора тупроқ!  
Гуллар билан севимли баҳор,  
Буркагин тезроқ.

## МАРТДАГИ ЕШЛАР

Бизни, барча венгер аҳлини  
Бир ўй, бир дард айлади яқтан.  
Битта эгиб халқнинг аҳдини,  
Битта қалбдай қилди дафъатан.

Ярим аср ўтгач, ниҳоят  
...Замонлар кечган чоғида,

Бу улуг иш бўлган хикоя  
Авлодларга гоҳи-гоҳида.

Утли, қонли кураш қизган кез  
Шараф топди мажор кураида.  
Аммо бизнинг шуҳрат сўниб тез,  
Оз қолганди жанглар тугашга.

Мудраса ким авж олганда жанг.  
Титраса ким ўхшаб қоғозга.  
Шуҳрат тожин кийиндир, қараи.  
Чунки улар чечандир сўзга.

Хатар чеги ўз жонин кўзлаб,  
Ким дум қисган эрса гар тўниб  
Энди элининг эркидан сўзлаб,  
Қадаҳ слар биринчи бўлиб.

Сайранг, тилининг қичиғи қолсин,  
Кўкрак муштланг, сиз шуҳратга оч.  
Бошиниёзга майлига қўнсин  
Қонимиздан яралган гултож.

Сиздан юлиб олмаймиз уни,  
Бундан чўчиб юрмангиз янз.  
Қачонлардир келса жанг куни  
Қозонурмиз янги тантана.

Майли, турсин бошларингизда  
Биз курашда қозонган гултож.  
Шон кутмадик жанг қизғин кезде,  
Батан эрки эди эҳтиёж.

*Пешт.*

## ВЕНГЕР БЎЛДИ ВЕНГЕРЛАР ЯНА

Венгер яна венгерлик ҳолда  
Этди энди ўз қадрин тайин.  
Тобеликни тэн олмай қолди,  
Келгиндилар бўлмас хўжайин.  
    Венгер яна венгерлик ҳолда,  
    ...Асоратга энди йўқ бардош.  
    Кузги баргдай у тўқиб солди  
    Этиб қуллик занжирин одош.  
Венгер яна венгерлик ҳолда,  
Жилоланар қилч, қалқонлар.  
Тиглар қуёш шуъласин олди,  
Кўзда мардлик ўтлари ёнар.  
    Венгер яна венгерлик ҳолда,  
    Чехраларда мардлик талқини.  
    Ҳилпираган байроқлар олда.  
    Жангга чорлар унинг ёлқини.

Венгер яна венгерлик ҳолда,  
Барча венгер дилида бир ўй.  
Ёвга шу ўй ларзалар солди,  
Венгер дадил чўзганида бўй.

Венгер яна венгерлик ҳолда  
Мардлик қилди жанг майдониди.  
Кенг бу жаҳон ҳайратда қолди  
Жасорати жўшган онда.  
Венгер яна венгерлик ҳолда,  
Этур мангу ўз қадрига тайин.  
Ё шавкатли энг оғир онда  
Жон берурмиз битта қолмайин.

*Пешт*

## М И Л Л А Т Г А

Бонг ур! Ўзим силтайман арқон,  
Линграб кетсин барча қўнғироқ.  
Қалбда нафрат, ғам қайнар бу он.  
Қўрқувмас, кин солади титроқ.

Ғамнокдирман, шум қора булут  
Юртга берур ажалдан дарак.  
Ғафлатда юрт, шунинг-чун дил ўт,  
Тирикликдан йўқ асар андак.



Уйғонди ва миллат кўз солди,  
Шул сабабдан суронда эллар.  
Угирилиб яна тин олди,  
Боз унутиб ўтганин йиллар.

Худо қаҳри теккан, эй Ватан,  
Уйғон шавкат, ор-номусни деб!  
Яралгансан шон шуҳрат билан,  
Судралурсан шарманда бўлиб.

Уйғон! Бу дам уйғонмасанг гар  
Фурсатни бой бермоғинг аён.

. . . . .  
. . . . .

Уйғон Ватан! Бой берганларинг  
Қайтиб келур, жангда бўл дадил!  
Ё ҳаёт, ё мамот шиоринг,  
Шуни шонли байроққа чеккил!

Биз қимтиниб яшадик узоқ  
Мулкимизда бегона янглиғ.  
Бас, уйғонинг! Ҳокимлик қилмоқ —  
Бўлганларга кўтарайлик тиг.

Еки ўққа учиб ўлмоқ соз  
Судралмоқдан кўра мақсадсиз.  
Шонсиз ўлим учун йўқ эъзоз,  
Шонли ўлим тарафдир ҳадсиз.

Жангга, дѳстлар! Чѳчиманг асло,  
Гар яшашга бѳлмаса илож,  
Шундай ҳалок бѳлайликки, то  
Қасд қилганлар ўзи тўксини бш!

Жанг қилингки, бера олсин тан  
Донгдор жангчи Миклош Эрнин  
Жанг қилингки, деб она-Ватан,  
Ёв фаҳм этсин элининг қаҳрини!

Фақат шунда қолурмиз омон  
Шон топибон асрлар оша,  
Эзгу ният ўринлаб шу он,  
Юртга ҳоким бѳлурмиз ошина!

Она юртим, жонажон халқим,  
Аҳил бѳлиб отлангил жангга!  
Ёвга ташлан яшиндай балқиб,  
Қасд қилган ёв паст келсин сизга!

Қани ёв? — деб берурсан сўроқ,  
Ўнгу сўлда, ҳар ерда у бор.  
Энг маккори очибон қучоқ,  
Дилни доғлар, шунисин душвор.

Туғниганини ким сотса лоқайд,  
Шу энг шум ёв деб пайқа зумда.

Юзлаб дўстни терс қилар тез пайт,  
Бочка болга қатра заққумдай.

Бундайларга ўлимдир раво,  
Фақат ўлим! Узга чора кам.  
Юз мингги ос дорга ҳар асно  
Кўча-кўйлар қонга тўлса ҳам!

Сиртқи душман даҳшатмас бунча,  
Ички ёвга урайлик яроқ.  
Илҳом, чекил! Пайтмас унча,  
Бонг урайин чалиб кўнгироқ.

*Пешт*

## ЯНА КУЗ

Қайтадан куз, қайта куз соҳри  
Турмушимни бегади қўйди.  
Қайдан тушимни юракка меҳри,  
Билмам асло, дил уни суйди.

Олисларда суқли нигоҳим.  
Қияликда ўт-ўлан аро  
Шилдираган кузини япроғин  
Жим тинглашлик кўнглимга оро.

Илиққина табассум қилиб,  
Қуёш ерга нур сочар майини.  
Она бешик бошига келиб,  
Фарзандини ухлатгандайини.

Чиндан-да ер ҳалок бўлибмас  
Мудраб сукут қилмоқда бу дам.  
Тўшагида жон бериб эмас,  
Ухлаб ором олмоқда бу дам.

Қимматбаҳо либосини бир-бир  
Ечиб қўймиш каравотига.  
Керагида шошмай деб ахир  
Жо қилибди ён қабатига.

Тин ол гўзал дилбар табиат,  
Қўзгатгунча сени илк баҳор.  
Келгунча то ўша фурсат  
Ухла кўриб лаззатли тушлар.

Бармоқ учи билан оҳиста  
Чертажакман лирам торини.  
Кўрфазга куй сингмишди аста  
Эсга солиб ором борини.

Ўтир жўрам бирга салқинда  
Фақат берма бир лаҳза ҳам ун.  
Садо тинсин майда тўлқинда  
Еллар саси тингандай бутун.



## Ж А Н Г Д А

Асабноқдир она ер,  
 Асабноқдир самовот.  
 Тўкилмоқда қон ахир,  
 Қуёш ўт пуркар, ҳайҳот!  
 Оқшом чоғи уфқлар  
 Бўлмиш буткул аргивон.  
 Олға венгерлар, жангга,  
 Олға қўшнилар, бу он!

Қун ботаркан, боқадн —  
 Осов булут қаъридан.  
 Тиглар чақмоқ чақадн  
 Дуд гирдоби бағридан.  
 Оқшом кириб ҳар ёнга  
 Қуюқлашадн чунон.  
 Олға венгерлар, жангга,  
 Олға қўшнилар, бу он!

Ғқ садолари янграр  
Дам у, дам бу томонда.  
Тўплар гумбирлар мудом  
Ларза солиб ҳар ёнга.  
Қулаб кетмасми бу дам  
Само ва ер беомон.  
Жангга, венгерлар илдам,  
Олға қўшинлар бу он!

Жанговар жасоратдан  
Сармаст диллар бешафқат.  
Тутуи, қон, ҳароратдан  
Юрак туғёнда фақат.

Битганмикин куним, ё  
Қолурманми соғ-омон.  
Олға венгерлар, жангга,  
Олға қўшинлар, бу он!

*Масъудин*





## ТЕНТАК ИШТОК

*(Достон)*

«Қаранг! Изимдан келар!  
Тезда етиб олади!  
Кўзларида совуқ ўт —  
Юракка муз солади!

Аиа! Жон тани билан  
От қўймоқда шиддаткор,  
Мени маҳв этмоқ истаб  
Шошилмоқда у маккор!

Жаноблари, илтимос,  
Қўйингиз ўз ҳолимга!  
Иўқ десангиз — худойим  
Дучор этсин ўлимга!

Поёнсиз бу саҳрода  
Пўл талашмоқ масхара,  
Сиз у ёну мен бу ён —  
Кетсак эмасми сара?!

Шувдай бўлсин, мен сизга  
Мана эгдим бошимни.  
Ута қолинг! Ва мен ҳам  
Секин терай тошимни!»

Бир шоввоз шу тахлитда  
Гап қотганди жалага!  
Тўхташ қайда?! Хўн қуйди —  
Қилган каби калака.

Ингит эса бир лаҳза  
Туриб қолди жунжикиб,  
Брут ханжарин кўргани  
Цезарь каби энтикиб.

Цезарь-ку қалқон билан  
Тўсган эди юзини.  
Бу йигитча не билан  
Пана этсин ўзини?!

Лекин мағрур эди у,  
Чопмади титраб-қақшаб.  
Гуё эғнида қат-қат  
Пўстини борга ўхшаб.

«Қуй, қуявер! — ҳайқирар  
Қўрслик билан осмонга, —  
Қуй, сени тангрим ўзи  
Келтиради омонга!



Олам юзида борми  
Мендек мўмин бир инсон?  
Тангримга ружуимни  
Қўймаганман ҳеч қачон!

Нечун мени эздн сел,  
Қайси гуноҳим ранжи?  
Лекин мниг ювган билан  
Оқарганми ҳеч занжи?!

Сел шалаббо қилса-да  
Бошдан оёқ кийимни.  
Лекин ювиб ташлолмас  
Юрагимни, ўйимни...»

Шундай деб, шоввоз Ишток  
Қаҳ-қаҳ урднки чунон,  
Аввалгидан баттарроқ  
Жунбушга келди осмон.

«Майлига челақлаб қуй! —  
Уй сурди боқиб кўкка.  
Булут билан сану ман —  
Ярашмайди эркакка!»

Еш сайёҳга ўз ҳуснин  
Кўз-кўз қилгандай фалак: —  
Кетиб қора булутлар,  
Порлаб чиқди камалак.

Гўё сонсиз товуслар  
Ёйди, кўкка қанотин.  
«Оҳ камалак сен каби  
Ерқин бўлур ҳаётим!

Балқидинг кўк тоғида  
Музаффар ҳам чароғон.  
Ғолиб қуёш шаънига  
Порлоқ қасидаемон.

Лекин йироқсан мендан —  
Борар жойимдек йироқ.  
Шаҳар олис. йўллар лой,  
Қош ҳам қораймоқда, боқ!

Оқилмасман, лек аён:  
Шаҳарга етолмайман!  
Ундаги гўзалларнинг  
Вақтин чоғ этолмайман.

Ул шўрликлар ҳолига  
Ачинман, начора,  
Қушдай учиб борардим  
Қисотим бўлса зора.

Бу кеч наҳотки чиндэн  
Етоқ бўлса менга чўл?  
Нўл бўйида тупроқда  
Наҳот ётсам жиққа ҳўл?!

Тентагингни төпибсан,  
Усал эмас Иштоквой!  
Хув кўринган нимадир  
Чироқми? Борсам-чи, ҳой?!

Хутор-ку?! Йўқ! Балки у...  
Қароқчилар макони?  
Бундай чоқда ростдан ҳам  
Титрар кишининг жонч.

...Мўридан тутун чиқар,  
Демакки, қайнар қозон!  
Буида тинчу тўқ ухлаб,  
Йўлга чиқарман азон!

Ақлингга қойил, Ишток,  
Умр кетмапти шамолга!  
Йўқса, бундай фикрлар  
Келармиди хаёлга!

Ҳа, шу кўрқинч, қоронгу,  
Овлақ, яйдоқ саҳрода  
Бир хуторча кўринар—  
Нураган ва афтода.

Уйлариининг аҳволи  
Бири биридан ёмон.  
Гўё аллақачонлар  
Унутилган қабристон.

Марҳум она қабрига  
Келган етимлар мисол,  
Уй қошида кўринар  
Бирми-икки дол шиҳол.

Қай бир уста тиклаган  
Бул ғаройиб иморат —  
Елларда секин-аста  
Бўлмоқда эди ғорат.

Шувоқлари тўкилган,  
Кўчган рангу аъмоллар.  
Барин олис-олисга  
Олиб кетган шамоллар.

Хароб эшик қошида,  
Тор кавакка тиқилиб,  
Қаровсиз бир ит ётар  
Дўст-душманга тенг ҳуриб.

Ҳовли ичра ғимирлаб  
Кўринар бир батрак чол.  
Қўлида теша, лекин  
Бир иш қилмоғи маҳол.

Кенг дунёдан олисда —  
Борлигидан қилиб ор,  
Кун кўрар шу хилватда  
Худо қарғаган хутор.

Яқия келиб қаради  
Ишток бу хор масканга:  
«Бунда мўгул босқини  
Ухшар тугамагаига!

Майли Чингизхон бўлсин,  
Майлига ёвқур Темур, —  
Ичкарига лекин мен  
Кириб кўраман бир қур!»

Кирди... Аммо йўқ эди  
Бунда на ёв, на яғмо...  
Фақат тўрда бир кампир  
Имплаб юрар танҳо.

Қўлда оташкураги —  
Титар ўчоқ кулини.  
Гап бошлади Иштоквой,  
Асал қилиб тилини:

«Хайрли кеч, моможон,  
Бормисиз соғ-саломат?  
Бувимга бувидирсиз,  
Меҳрибонсиз аломат!»

Бироқ кампир хотиржам  
Бўлди унинг сўзини:  
«Қани, бўлди! Жўнаб қол,  
Чанг босмасин изингни!

Саёқ-сандироқларга  
Етоқ эмас бу ер, бил!»  
Лекин у бўш келмади,  
Жаврай кетди биёрон тил:

«О бувимнинг бувиси,  
О меҳрибон онажон,  
Эшигингиз қоқмасдим...  
Ташқарида зимистон...»

Ва лекин бу сафар ҳам  
Етмай гапнинг сўнггига,  
Жеркиди уни кампир  
Боқмай орти-ўнгига.

Ишток ҳамон чекинмас:  
«Еганмисан эсингни!  
Бу уйда хўжайин ким,  
Айт лўқ қилмай кўзингни!»

«Менман, — хириллар кимдир,  
— Ким у — бемаҳал қўноқ?!»  
Овози нақ сув ичра  
Чалган каби кўнғироқ.

Уй эгаси эди у,  
Сочи ошноқ, гуё қор.  
Юзи ҳиссиз, чиройсиз —  
Қиров каби йилтидлар.

Турарди нақ мазорга  
Қадалган бир қора хоч.  
Боқини, афт-ангори  
Лаҳад каби совуқ, оч.

Кўнглиям гўё қабр —  
Сукутига чўмилган.  
Ҳаёт, нафосат унда  
Энг даставвал қўмилган.

Бориб, бобойга бошини  
Эгди Ишток шу замон.  
Ҳурмат — тавозе сақлаб,  
Истагин қилди аён.

«Пирим, ҳорғин йўлчиман,  
Дуч келган жой қўналгам,  
Ҳозир мана аҳволим  
Яхши эмас, ёмон ҳам...

Ҳалигина адирда —  
Селда қолдим — шалаббо.  
Бир оз қуриниб олсам,  
Ёмон бўлмасди аммо.

Каминиға бо қиттак,  
Қилсангизми саховат,  
Меҳрингиз кўрпа бўлиб,  
Ер бўларди кароват!»

«Қола қол!» — ғудранди чол.  
Ва кетди оғир кармон.  
Жавоб қисқа бўлса ҳам  
Иштоквойга кирди жон.

Шу ондаёқ печкага  
Чиқиб ястаниб олди.  
Тахтга чиққан султондай  
Гирдига назар солди.

«Иш деган мундоқ бўпти —  
Билган эдим олдиндан!  
Эҳтимол ҳали замон  
Қол сўрарлар қорнимдан?..»

Шундай, у ёқ-бу ёқдан  
Хаёл суриб ётди у.  
Бекорга тентак деган  
Лақабни олмаган-ку?

Олди-қочди, қўй-чиқди,  
Бўлар-бўлмас, не гап бор —  
Барни йиғар бошига,  
Баридан унда бисёр.

У ёқтирар не билса,  
Айтмоқликни ном-баном.  
Кўл гапларни эшитди  
Кампиршо ҳам бу оқшом.



Шунча лофни эҳтимол,  
Тортолмасди қирқ эшак.  
Бир вақт қарғанди камшир:  
«Келтирма таигримга шак!»

Ҳатто кулиб ҳам қўйди,  
Тишсиз жағи чалишди.  
Занг босган қулфларга  
Гўё калит солишди...

Ва сўнг... гапнинг қисқаси,  
Барча иш тушди йўлга:  
Уйлаганидек, уни  
Чорладилар столга.

Иштаҳаси эди зўр,  
Суздилар яна, яна...  
Уй сурарди у: «Шукур,  
Ер бўлди Ҳаво Эна!

Аммо овқат устида  
Нечун ҳамма гунг ва лол.  
Чиқмасмикан бир нима,  
Чолга ташласам савол?!»

«Пирим, шовла зўр бўпти, —  
Гап бошлади Иштоквой. —  
Лекни бир оз тузи паст, —  
Сал шошганлар ҳойнаҳой.

Ошининг — емишининг тузи.  
Майли, кўпми-оз бўлсин.  
Лекин таом устида —  
Сухбатда туз саз бўлсин.

Нечун жимжитмиз ҳамма,  
Еб қўйдикми тилни ё?  
Ё дарчадан аэроил  
Бериб кетдикми созо?!

Ахир сукунат ўзи —  
Салкам ўлим, менимча.  
Ваъз билмасангиз, отам,  
Келнинг, мен сўзлай пича.

Ҳам артистман, ҳам рассом.  
Ҳам агроном, ҳам табиб.  
Ҳам музажжим, ҳам қози,  
Ҳам тарихчи, ҳам адиб.

Дунёнинг тўрт тарафи  
Беш қўлдай менга аён.  
Бир ёғи хароб унинг,  
Бир ёғи дориломон.

Хўш, нимадан бошлаймиз?!  
Чол жим боқар кўзи лўқ.  
Аста минғирлаб қўяр:  
«Елғончида вафо йўқ!»

«Хай, хай,—қичқирди Ишток, —  
Шак келтирманг худога.  
Жон берсанг арзир эгам —  
Яратган бу маъвога!»

«Нимасига берай жон?—  
Норизо қўл силкди чол.  
Роҳат кўрган кимса йўқ,  
Турган-битгани завол.

Саксон йилки ҳаётинг  
Бўлса-ю нақ жаҳаннам,  
Бўлмаса ундак кейин—  
Эслайдиган бирор дам!

Бир гул ҳам очмай, умринг—  
Қуриб йитгани билсанг;  
Шохида сар булбуллар  
Қўнмай ўтгани билсанг;

Билиб олсанг—ҳар шохи  
Ғам-ҳасратга ошиён,—  
Ана шунда дунёга  
Баҳо берарсан, ўғлон.

Ешлик нима билмадим,  
Гўдагимда чол бўлдим.  
Бугун эса минг баттар—  
Бедаво, беҳол бўлдим,

Мен ҳам севдим! Ва лекин  
Ул самовий ҳур—нигор  
Ерда ўлди хор бўлиб,  
Шармандан шармисор.

Бефайз бўлди баҳорим,  
Ёзи бесамар эди.  
Кузакдан умид кутсам,  
У қишдан баттар эди.

Юрагинг дош беролса,  
Сўйлай бераман, ўғлов.  
Ииллар шундай кечарди—  
Қуриб-чириб устихон...

Чеккан азобларимни  
Санай берсам—тугамас.  
Икки ўғлимни кўмдим,  
Учинчиси—ярамас!

Ташлаб кетди у мени,  
Уя йилким йўқ дараги.  
Қани эди тез ўлсам,—  
Ҳеч кимнинг йўқ кераги.

Узинг ўйла, ҳаётда  
Борми менга бир илтиж?  
Нечун ҳануз жон мени  
Тарк этолмас, қўймас тинч.

Паймонам тўлган менинг  
Тоқатим йўқ яшашга,  
Нечун шошилмас тангрим  
Уни тўкиб ташлашга?

Лаънат бундай умрга,  
Тириклик, тарк эт мени!  
Биз шўрликлардан кулмоқ  
Овутарми ё сени?!

Лаънат, лаънат барига,  
Гўрга кирсам дейман мен.  
Ҳаёт киролмайдиган—  
Ерга кирсам дейман мен.

Фақат гўрдагина тинч—  
Қайғу-ғамсиз ётардим.  
Ҳаёт деган зиндонни  
Мангу унут ётардим...»

Чолнинг узоқ ва аянч  
Умр қиссасин тинглаб,  
Ишток бир зум жим қолди,  
Сўнг жавобга очди лаб:

«Дардларингга шерикман,  
Қайғудошман сенга чин.  
Лекин бир гап бор, кечир,  
Юзга айтганим учун!

Гуноҳкорсан, отахон,  
Тортганларинг — жазоси!  
Сени нотавон этган  
Умидсизлик балоси!

Умидсизлик зўр гуноҳ,  
Бундан оғир гуноҳ йўқ.  
Умидсиз — шайтон, дерлар,  
Бундан аниқ изох йўқ.

Навмид бўлсанг, дунёдан  
Утарсан буткул гадо.  
Демак, йўқ экан сенда  
На эътиқод, на худо.

Бундайин қараш билан  
Яшамоқ, юрмоқ абас.  
Сендайларни на тангри, —  
Ҳеч ким ҳам ярлақамас.

Ахир бошимиз узра  
Порлар-ку бир кун қуёш —  
Кўрарсан кўз юммасанг,  
Кўрарсан эгмасанг бош.

Гоҳ сабр-тоқат даркор,  
Жасорат даркор гоҳи —  
Етарсан орзуингга,  
Кенгдир тангрим даргоҳи.

Ахир ҳеч ким дунёдан  
Олмай кетмас улушин.  
Ҳақнинг қутлуғ нурларин  
Сен ҳам мумкин кўришинг!

Бугун бўлмаса—эрта,  
Эрта бўлмаса кейин,  
Лекин ҳар ким ўз бахтин  
Кўриб ўлиши тайин!

Бахтининг бор вақт-соати,  
Шундай ажиб сиким ул,  
Ҳар қадамнинг гул бўлур,  
Ҳар нафаснингда булбул!»

Оч қолган гўдак сўтин  
Ичгандай тинмай-толмай,  
Тингларди Иштокни чол,  
Тингларди нафас олмай.

Чол юраги бу ваъздан  
Гуё тепди қайтадан.  
Сўради: «Устознинг ким?  
Келмоқдасан қайлардан?!»

Жиддий суҳбат йигитнинг  
Теккан эди жонига.  
Жавоб этди Чолга у  
Ҳазил қўшиб ёнига.

«Устозимми? Емғирдан —  
Қочиб кирганда ғорга  
Укки ўқитди мени,  
Ўтирма деб бекорга!

Қаердансан дедингми?  
Йўқдир ватаним — жойим.  
Мендек эркин қуш бўлиб  
Ўтганлар катта оийм.

Бир жонман жаҳонгашта,  
Бахтим йўлда кутарман.  
Ким аввал қўлни чўзса,  
Ўшани дўст тутарман.

Қанча оч бўлиб юрсам,  
Яланғоч бўлиб юрсам,  
Келажакдан шунчалик  
Омад кутаман хурсанд.

Исмин? Билмайман қайда —  
Қандай исм бердилар?  
Не учундир ҳамиша  
Тентак Ишток дердилар...»

...Эрталаб Ишток яна  
Йўлга қўзғалиб қолди.  
Хайр-маъзур деб чолга,  
Уч-тўрт гап қилиб қолди.



«Хуш энди! Ҳақ ёр бўлиб,  
Омадинг кулса, отам,  
Айтганди, деб, ўшанда  
Эсларсан Иштоқни ҳам!»

Чол бирдан тўлқинланиб,  
Қўлни унинг ушлади.  
Лаби гапга қовушмай  
Кўзларини ёшлади.

«Майли... оқ кўнгил ўғлон,  
Сен менга... бахт истадинг!  
Хайр... Мени ёрлақаб...  
Умид қил... деб қистадинг...

Хайр энди... Ҳай! Тўхта-чи!  
Эҳ, мен эсин еган чол...  
Биласанми?! Сен кетма!  
Ўғлим... Менинг билан қол...

Бир кун жонингга тегсам,  
Шунда, майли, кетарсан,  
Е ҳўп десанг шу уйни  
Мангу макон этарсан.

Кеча айтганларингни  
Менга ҳар кун эт такрор, —  
Ҳеч бўлмаса недандир  
Яшайман-ку умидвор!

Қол! Хўп де!» Чолнинг сўзи  
Меҳр қўзғатди унда.  
Деди: «Майли, отажон,  
Майли, қолайин шунда.

Гапим кўнглингда зора  
Еққан бўлса бир учдун.  
Мен уни, майли, йиллаб  
Такрорлайин сен учун!»

...Худди шу пайт эшикда  
Карета тўхтади-ку!  
Ажаб! Ким бўлди экан?  
Адашганми чўлда у?!

«Меҳмон қабул қилмайман!» —  
Чол қилди қўлни дароз.  
«Мени ҳамми?!» — янгради  
Каретадан шан овоз.

Эшик очилиб ундан  
Бир қиз чиқди баногоҳ.  
Беҳад гўзал эди у,  
Тенгсиз сулув эди, оҳ...

Ва бирдан ул ой чолнинг  
Ташланди оғушига.  
Унич... Кўз ёш... Чол шўрлик  
Келолмасди ҳушига.

«Буважон! Бу дунёда  
Елғиз сенга сиғиндим.  
Шу бахтиёр кунгача  
Сени беҳад соғиндим.

Паноҳ тортиб келдим мен,  
Ўз бағрингга мени ол.  
Отамдан куйиб келдим,  
У меҳрсиз ҳам қаттол...

Ўз хоҳиши билан у  
Бермоқчи мени эрга.  
Бундан қўра афзал-ку  
Кирганим қора ерга?!

Оҳларим тингламади,  
У бағри тош... Безабон...  
Бобожон, қутқар мени  
Ул тақдирдан — беомон!

Кўзларингда, лекин мен  
Уқмоқдаман гинангин.  
Найлаийн, кеч бўлса ҳам  
Ҳатладим остонангин.

Таъна қилма, балки мен  
Келар эдим қачонлар —  
Сени «одам суймас» деб  
Ўргатмаса отам гар...

Ва лекин... Мана келдим!  
Сен билан қолай абад!  
Фақат... сен қизғаймасанг,  
Ҳайдамасанг бешафқат!»

Чол шўрлик неларнидир  
Сўзлай деса-да гарчанд,  
Лойиқ сўз тополмасди—  
Қанча урниб ҳарчанд.

Фақат... бирдан бўшашиб,  
Ҳиқиллаб қолди-ку чол.  
Севинч ёшлагич тўкиб—  
Гангиган, бечораҳол.

Кечмиш ва бугун бўлиб  
Замонлар бирлашдию,  
Чол бошида дарёдай  
Гувладилар серғулу.

Ва бу оқим шўрлики  
Кўймоқ истаб кўширди.  
... Чол ўзин йўқотмади,  
Сўзин тошиб гаширди.

«...Демак, ахир... Мени ҳам  
Кимдир суяр экан-ку?!  
Ераб, яшаркб қолдим...  
Ераб, не муъжиза бу?!..»

Гўдак пайтинг эсимда,  
Шундан буён эдик ёт.  
Ҳой, Ишток! Неварам бу!  
Кўр-а, қандай паризод!

Ишток! Сен зеҳнинг билан  
Лол этдинг мени, ишон!  
Чиндан ўз бахтни кўрмай,  
Ула олмаскан инсон.

Қизгинам, хуш келибсан!  
Яшай бер бунда ҳуррам.  
Бу ишнинг на бандамга,  
Хушдир худойимга ҳам!»

Сал турса, чолнинг ҳоли,  
Билмадик, не кечарди!  
Қизчага еру кўкини  
Балки ваъда этарди.

Бироқ шу маҳал ҳовли  
Яна шовқинга тўлди —  
Остонада қизчанинг  
Отаси пайдо бўлди!

«Иўқол! — хитоб қилди чол. —  
Иўқол, турқингни кўрмай!  
Бўсағамни босқилаб  
Утмагайсан мен ўлмай!

Қиз керакми? Йўқ, шошма!  
Хайф сенга шундай зурёд.  
Сен унинг ёш умрини  
Этмоқ истадинг барбод.

Бир замон, мен—отангдан  
Кечгандинг сен—оқпадар.  
Бугун, худо —подшоҳ,  
Бўлдинг мендан юз баттар!

Сени оқламасман ҳеч.  
Лекин қарғамасман ҳам!  
Фақат бундан кет энди,  
Йўқ менинг сендай болам.»

...Ва ўғил миқ этмайни,  
Билмадик, қайга кетди.  
Ортидан беихтиёр  
Чол дарғазаб қўл силкди.

Сўнг мағрур бир сукутда  
Анча турди шундоқ, лол  
Гуё кенг океанда  
Ёлғиз айсберг мисол.

Ўғил кетган томонга  
Сўнгги бора бир боқиб,  
Секин уйга кирди чол,  
Тоғдайин зил оҳ тортиб.

Кирди. Жимжит ўтирди.  
Уйли-да босди сукут  
Ва чолнинг қаршисига  
Бош эгиб келди йиғит.

«Отам, мен кетай энди,  
Ортиқ керагам бўлмас...  
Энди овунчинг бордир,  
У сени ёлғиз қўймас!

Хайр! Олис йўллардан  
Излай яна тақдирим.  
Сени ва неварангин  
Худойимга топширдим!»

У кетарди... Агар чол  
Шартта ушламаганда.  
Очиқ, жиддий сўз айтиб,  
Кўнглини хушламаганда.

«Нўқ, қоласан! Ўтинчмас,  
Қатъий сўзим шу сенга!  
Қора кунда қўл бердинг —  
Эш бўл бугун ҳам менга!»

«Хўп... — деди Ишток. — Чиндан  
Бу ерда янзағум бор.  
Шартим шулким, мен сизга  
Бўлай нибоши — сардор.

Уйда қиз бола борми, —  
Саранжомдир ҳар иши.  
Рўзгорни юритса шарт,  
Бирор қаттиқ қўл киши.

Мен юмалоқ дунёни  
Кезганим йўқ бекорга:  
Бир кўрсатай кимлигим —  
Файз киритай хуторга!»

Ва у хизматкорларни  
Олиб ишга киришди.  
Чаққонига иш бериб.  
Ялқовини уришди.

Совун... Латта... Супурги...  
Ишга тушди галма-гал,  
Учинчи кун хуторга  
Сон киргандай бўлди сал.

Ҳар ёқ ярақлар эди  
Гуё солдат мундири.  
На занг қолди, на синиқ,  
На ҳовлининг кир-чири.

Ҳа, Иштокнинг иши бу!  
Ҳа, дўстим, кўп терладнинг!  
Содда юрагнат билан  
Барчани сеҳрладнинг.



Нима? Қаерда? Қачон?..  
У билади ҳаммасин,  
Фақат анави нигор  
Бир қилса бас табассум!

Фақат шуни деб Ишток  
Ҳар тонг қирга кетади  
Ва энг нафис гуллардан  
Қизга даста элтади.

Қиз ҳам ҳар тонг қуёшни  
Кутар ўлтириб бедор,  
Қўлларида... қирнинг соз—  
Гуллари сочар ифор.

Ҳар тонг шу ҳол! Кундузи  
Қизир ширин суҳбатлар.  
Қиз—йиғитнинг пок қалбин,  
Чол — ақлини ҳурматлар.

Шундай шодон кечарди  
Энди соатлар, кунлар.  
Қандай оғир ўтарди  
Бунда фурсат олдинлар?!

Буни сўзлаб туришинг  
Сира-сира ўрни йўқ.  
Энди бунда ҳар кимнинг  
Ўз кунидан кўнгли тўқ.

Хуллас калом... охири  
Не бўлди деб сўргайсиз:  
Яширмоққа йўқ ҳожат,  
Лек... Айтиш... сал ўнғайсиз!

Ғалати бир иш қилди,  
Десагиз, Ишток-шоввоз.  
Таёқ-тўрвасин олиб —  
Чол қошида қотди ғоз.

Бир сўз демади, турди —  
Лаби-лунжи ғимирлаб.  
Гўё кўрқиб айтишдан,  
Гўё эти жимирлаб.

Чол эса шу заҳоти  
Билди унинг «дарди»ни.  
Қиз ҳам кўриб турарди  
Юрагини, қалбини.

Ва қизига боқиб чол —  
Ҳўнграб юборди бирдан  
Қиз ҳам йиғлади. Лекин  
Чидолмади Ишток ҳам.

У баридан ошпириб —  
Бақирришга киришди.  
Бенхтяёр, чолу қиз  
Унга таскин берилди.

Бирн тўрвасн олди,  
Бирн олди таёғн.  
Хуллас, Ишток бу уйдан  
Узмас бўлди оёғн.

Буд-шудивн қайтадан  
Жойладилар уйга бот,  
Шундай қилиб буида у  
Қолар бўлди умрбод.

Содда йнгит эди у,  
Лекин тентак эмасди!  
Ким меҳрибон гўшани  
Ташлаб кетарди асти?!

Куз ҳам кириб қолганди,  
Ер хазон-ла ёпилди.  
Лекин... келинчак учун  
Гуллар бисёр топилди...

Мана черков! Икки ёш  
Садоқатга берди сўз,  
Эр-хотиннинг олдида  
Чол яна ёшлади кўз.

«Қўша қаринг, жонларим,  
Мангу сийласин тақдир!  
Бахтингиз кўрдим, энди—  
Улсам армоним йўқдир!..»

«Асло! — чўрт кесар куёв. —  
Ҳеч ўлмайсан — юрасан!  
Эвара-ю чевара —  
Бирла даврон сурасан!»

...Ва шу тахлит ўтдилар  
Ойлар, йиллар галма-гал.  
Бирн биридан қутлуғ,  
Бирн биридан афзал.

Яна нима?! Хув, кўкда  
Кўчар карвон булутлар.  
Тун чўкмоқда. Кенг қирлар  
Қор остида тинч ухлар.

Фақат... Ана, уфқда  
Бир чироқ порлаб турар,  
Гўё кимнингдир бахтин  
Оламга чорлаб турар.

Бу — ўша уй, ўша жой —  
Ўртада гувлар ўчоқ.  
Қаршисида эр-хотин,  
Чол ва икки кўзмунчоқ!

Эшик қор. Бобой билан  
Ўйнашар икки жужуқ...  
Аёл куйлар. Қошида —  
Аста айланар урчуқ.

*1847, Пешт*

## МУНДАРИЖА

### *Ойдин Ҳожиёва таржималари*

Ватанда . . . . .	3
Дунайда . . . . .	4
Матильдага . . . . .	6
Жондан тўйдирган қўллик . . . . .	7
Эҳ, ҳеч нарса мени овута олмас . . . . .	9
Қор . . . . .	10
Илк муҳаббат . . . . .	11
Ҳаёт ва ўлим . . . . .	13
Пал амаки . . . . .	13
Севгим . . . . .	14
Ватанпарварлик қўшиғи . . . . .	16
Тақлидчиларга . . . . .	17
«Ухлолмай йиғлайди» . . . . .	18
Қизлар сени севмаса гар . . . . .	18
Қабрим . . . . .	19
Худо ўзи кечирсин . . . . .	20

*Маъруф Жалил таржималари*

Тасаввурим . . . . .	21
Жавоб бергин . . . . .	23
К. Ш. альбомига . . . . .	24
Телба . . . . .	25
Ҳасрат . . . . .	29
Нима егансан, тупроқ . . . . .	29
Севаман . . . . .	29
Муҳаббат ва озодлик . . . . .	30

*Шукрулло таржималари*

Сарой ва кулба . . . . .	32
Итлар қўшиғи . . . . .	34
Бўрилар қўшиғи . . . . .	35
Ҷиса . . . . .	36
Булутлар . . . . .	39
Сабр ҳақида . . . . .	41
Бўз кийган қаҳрамонлар . . . . .	43
Оташ . . . . .	44
Нақадар яхши ҳаёт . . . . .	46
Урмоннинг ўз куйчи қуши боғ . . . . .	48
Менинг тулпорим . . . . .	49
Ҳеч ким кўрганми . . . . .	50
Агар бўлсам эди . . . . .	52
Мен учун севги нима . . . . .	54
XIX аср шоирларига . . . . .	55
Қирол ва жаллод . . . . .	58
Баҳорга . . . . .	60

<i>Зоҳиджон Обидов таржималари</i>	
Мартдаги ёшлар . . . . .	61
Венгер бўлди венгерлар яна . . . . .	63
Миллатга . . . . .	64
Яна куз . . . . .	67
Жангда . . . . .	69
Тентак Ишток (Достон). <i>Омон Матжон таржимаси</i> 7.	

*На узбекском языке*

Ш. Петефи

*«Избранные стихи»*

Перевод с издания  
ГИХЛ, М — 1958

Редактор *М. Жалилов*

Рассел *А. Ли*

Расмлар редактори *Н. Холиқов*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *М. Кудратова*

Босмахонага берилди 22/III-73 й. Босишга  
рухсат этилди 17-VII-73 й. Формати 60x90/32.  
Босма л. 3,25. Нашр л. 3,18. Тиражи 10 000.  
Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси. 30.  
Шартинома № 119—72

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг  
нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари бўйича Давлат комитетининг Бекобод  
шаҳар босмахонасида № 1 қозоғга босилди.  
Бекобод шаҳри, 1973 йил, заказ № 52. Баҳоси 12 т.